

## ЛИТЕРАТУРА

1. Джумабаев Ю. Из истории этической мысли в Средней Азии. – Т.: Фан, 1978
2. Мейе А. Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков. – М.-Л., 1938. – С.18.
3. Развитие терминологии на языках союз. республик СССР. – М.: Наука, 1987; *Совр. проблемы русской терминологии.* – М., 1986; Данияров Р.Д. *Узбекская терминология// Развитие терминологии на языках союз. республик.* – М., Наука, 1987.- С.7-21; *Проблемы разработки и упорядочения терминологии в АН союз. республик.* – М.,-1983.
4. Степанов Г.В. *Современная научно-техническая терминология на языках народов СССР и за рубежом //Проблемы разработки и упорядочения терминологии в Академиях наук союзных республик.* – М.: Наука, 1983. – С. 7.
5. Ступин Л.П. *Проблема нормативности в истории английской лексикографии XV-XX вв.* – Л.: ЛГУ, 1989. – С. 42.
6. Halliday M.A. *Language as Social Semiotic.* - L., 1989. – P.157

УДК: 81.367.5

**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР**  
**НЕПОЛНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ**  
**INCOMPLETE SENTENCES IN UZBEK LINGUISTICS**

*Садуллаева Нилуфар Азимовна*

*ЎзМУ қиёсий тилишунослик каф. мудири фил.ф.н., доц.*

**Аннотация.** Ушбу мақолада жаҳон тилишунослигида тўлиқсиз гаплар, уларнинг моҳияти, турлари ва қўлланиши ҳақида тилишунос олимларнинг фикрлари берилган. Тилдаги ҳосилалардан бири бўлган тўлиқсиз гаплар, уларнинг ўзига хос томонлари, ўхшаши ва фарқли томонлари ўзбек олимлари томонидан таҳлил этилган. Жаҳон тилишуносларининг “Тўлиқсиз гап” терминининг қўлланиши ҳақида фикрлари бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Баъзи олимлар бу терминнинг ишлатилиши шартлидир деган фикрни олга сурган бўлса, бошқалари бу каби гапларни “тўлиқсиз” термини билан аташ мумкин эмас деган фикрни олга сурадилар. Тўлиқсиз гапларнинг қўшма гап ва унинг турлари таркибида қўлланиши ўзбек олимлари томонидан қисқа тарзда кўрилган. Таҳлиллар кўрсатадики, улар бу гапларда қўлланиши диалогик ёки монологик матнлардаги турларидан айтайлик фарқланмайди.

**Таянч сўзлар:** Тўлиқсиз гап, ҳосила, тилишунослик, от, монолог, қўшма гап, кесимлик кўрсаткичи, контекстуал, эллипсис.

**Аннотация.** В статье анализируются мнения ученых о неполных предложениях, их сущности, типах и использовании в мировой лингвистике. Как лингвистический феномен неполные предложения, их сходства и различия были проанализированы узбекскими учеными. Мнения лингвистов об использовании термина «неполное предложение» совершенно разные. Некоторые ученые предложили использовать этот термин, в то время как другие предполагают, что такие предложения не могут быть использованы с термином «неполный». Узбекские ученые кратко описали использование неполных предложений как часть сложных предложений. Анализ показывает, что они не отличаются от своих типов в диалогах или монологах

**Ключевые слова:** неполное предложение, феномен, лингвистика, существительное, монолог, сложное предложение, предикативные индикаторы, контекст, эллипсис.


**Annotation.** This article provides an overview of scientists about incomplete sentences, their essence, types and using in world linguistics. Incomplete sentences as a phenomenon of linguistics, their similarities and differences have been analyzed by Uzbek scientists. The opinion of linguists about the usage of the term "incomplete sentence" is quite different. Some scholars have suggested that this term should be used, while others suggest that such clauses can not be substituted with the term "incomplete". Uzbek scientists have briefly described the usage of incomplete sentences as the

part of the complex sentences. The analysis show that they do not differ from their types in the dialogues or monologue

**Key words:** Incomplete sentence, phenomenon, linguistics, noun, monologue, complex sentence, predicative indicators, contextual, ellipsis.

Туркийшунослик, хусусан, рус ва ўзбек тилларида тўлиқсиз гаплар анча кенг ўрганилган. Тўлиқсиз гаплар ҳақида мустақиллик даврларигача ва бундан сўнг яратилган аксарият адабиётларда баҳоли қудрат берилган. “Тўлиқсиз феъл” термини биринчи марта А.К. Боровков, А.Ф. Ғуломов, З. Маъруфов ва Т. Шермухамедовнинг китобларида қўлланган бўлиб, “недостаточный глагол” термини ўзбек ҳақида рус тилида ёзилган ишларда 1938 йилда ишлатилган[4]. Тўлиқсиз феъл ҳақида гап борар экан, ўзбек субстанционал тилшунослигида феъл содда гапнинг асоси ҳисобланади. (Х. Неъматов, Р. Сайфуллаева, М. Абузалова, М. Курбонова ва б.)

Аммо ҳозир бу мақолада тўлиқсиз гапларни ўзбек субстанционал эмас, анъанавий, бошқача айтганда, формал тилшунослик аспектида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шунингдек, ўзбек тилида бу категорияни мукамал ўрганган олима А. Бобоева олимлар фикрини келтирган, таҳлилини ҳам берган. “Ҳозирги замон ўзбек тилшунослиги. Синтаксис” [9] китобида тўлиқсиз гапларнинг турлари қуйдагича берилган:



Лекин тўлиқсиз гап диалогдан бошқа ўринларда ҳам учрайди. Масалан: *Баҳор! Даладаги лолаларни айтмайсизми? Бирам чиройли. Чигитлар экилган. Яқинда униб чиқади*[2:147-149]. “Ўзбек тили грамматикаси” китобида тўлиқсиз гапларга нисбатан кўпроқ ўрин ажратилган ва қуйидаги турлари кўрсатилган 1) диалогик тўлиқсиз гаплар; 2) мустақил қўлланувчи тўлиқсиз гаплар; 3) фразеологик бирикма тарзидаги тўлиқсиз гаплар; 4) қўшма гап таркибидаги тўлиқсиз гаплар [3:198].

Биринчи типдаги тўлиқсиз гапларда эга ёки кесим, ёки иккинчи даражали бўлақлар ажратиб кўрсатилади ва гап биргина диққат этилганида бўлиб, унинг бир ўзи қўлланилади:

*Мавлон: Қизлар ҳам борми? Салтанат: - Учта қиз. (А. Қаҳҳор)*

Шунингдек, логик жиҳатдан тасдиқ ва инкорни билдирувчи сўзлар ҳам тўлиқсиз гап бўла олиши тасдиқланган[3:199].

Иккинчи типда қуйидагича таъриф ва мисоллар берилган: “Бу ҳолатда эга гапнинг охирида ёки бошида бўлиши мумкин: 1) *Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. (Мақол)* 2) *Уйнинг олдида боғ.* 3) *Эшик ёнида шкаф.* 4) *Ҳар кун эрталаб гудок.* 5) *Бирдан шовқин*”[3:199]. Шу асарда тўлиқсиз

гапларга келтирилган таърифга диққат қиламиз: “... грамматик жиҳатдан бирор бўлак ифодаланмагани учун бундай гаплар тўлиқсиз гап саналади. Аслида, тўлиқсиз гаплар мазмунан тўлиқ бўлади, чунки улар ҳам маълум бир фикрни англатади: яширинган бўлак англашилиб туради...” [3:197] Юқорида келтирилган мисоллардан биринчиси икки қисмли қўшма гап бўлиб, унда кесимлик кўрсаткичи – *ди* қўлланилиши ёки қўлланмаслиги унинг тўлиқ-тўлиқсиз гапга деб ажратишга имкон берадими? Кейинги 2), 3), 4) ва 5) мисоллар мазмунан тўлиқ ва булар контекстга ҳам ситуация (вазият) га ҳам боғлиқ жойи йўқ. Бу, албатта, бизнинг назаримиздадир. Ҳар ҳолда мисоллар таърифга мос тушиши керак эди.

Шу бўлимнинг ўзидаги кейинги абзацда “Бундай тўлиқсиз гапларда эга, одатда, ўрин, пайт ҳоллари ёки тўлдирувчи билан кенгайиб келади” дейилган ва мисоллар санаб ўтилган. Бу мисолларга нисбатан ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Учинчи бандларда келтирилган мисоллар шу китобнинг олдинги қисмларида келтирилган эмоционал гаплар билан ўхшаш.

Тўлиқсиз гапларнинг учинчи тури фразеологик бирикма таркибидаги тўлиқсиз гаплар бўлиб, иккита мисол келтирилган ва улар эмоционал гапларга яқинроқдир.

Тўртинчи тури (кўриниши) қўшма гап таркибидаги тўлиқсиз гаплардир. Бунда ҳам айрим изоҳталаб ўринлар бор. Баъзи мисолларни келтирамиз: ... *Тетик, соғлом, хурсанд, хўп етилган. (В. Осеева)* Бу каби гап эгаси ифодаланмаган қўшма гап учинчи гап ҳисобланмоқда. Аслида эгаси У етилган бўлагида мавжуд, чунки бошқа эгани унинг ўрнида ишлатиб бўлмайди:


... *Мен тетик, соғлом, хурсанд, хўп етилган (мен)* ёки

...*Сен тетик, соғлом, хурсанд, хўп етилган (сен).* Етилган шаклининг ўзида у эгаси мавжуд ва бу уюшиқ кесимли содда гап. Шунингдек, қўшма гап қисмлари ўртасида нукталар қўлланилмайди, уларнинг ҳаммаси ўзаро боғлиқ бўлади.

Яна бир мисол: *Унинг кичик кўзлари ёмон ёнди, лаблари титради.* Бу ерда лаблари титради конструкцияси қўшма гапнинг иккинчи қисми ва у йиғиқ гапдир.

Бу каби таҳлилларда тўлиқсиз гаплар кўриб чиқилган бошқа асарларда ҳам мавжуд. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар” китобида ҳам тўлиқсиз гапларнинг юқорида берилган турлари берилган, аммо бунда буларнинг айрим кенг ва баъзилари қисқа тарзда келтирилган.[8] Тўлиқсиз гапларнинг турлари учга бўлиб ўрганилган: контекстуал, ситуатив, эллиптик. Демак, муаллиф учинчи тур эллиптик гапларни алоҳида кўриб чиққан. Олдинги биринчи икки тур анча кенг ифодасини топган.

Бу гапларнинг кенгайган варианты ёйиқ гап ва унда қўлланилмаган бир ёки бир неча бўлақлар бўлса, ёйиқ гапларда ҳамма бўлақлар ишлатилади ва унинг модели ишимизнинг юқори қисмларида таъкидлаганимиздек, йиғиқ гапнинг моделида гап кенгайтирувчилари қўлланилмаслиги аниқ.



Тўлиқсиз гапларнинг модели сўз-гаплар Р. Бобокаловнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Энг кенг маълумот олима А. Бобоеваннинг монографиясидадир[8]. Қуйидаги контекстуал тўлиқсиз гаплардан айримларига тўхталамиз. Буларда контекстда келган тўлиқсиз гап кўпроқ бир сўз билан келади ва уни ажратиб олинса, турли мазмунни англатиши табиийдир. Масалан, ... *тополмайсиз. (Ҳ. Ғулом) – Мактабга борадими? – Боради,* каби. Баъзида бир сўз тўлиқсиз гап турли шаклларда ҳам қўлланган:

- *Институтни битирдингми? – Битирдим. Ишламоқдаман... ёки Баҳор! Ҳаммаёқ майсалар. Бирам чиройли...*

Бу мисолда учта бирлик кетма-кет келиб, эмоционалликни кучайтирмоқда. Бундай гаплар формал-функционал тилшуносликда сўз-гаплар бобида ўрганилган.[10] Қуйида қисқа тарзда бўлса-да тўлиқсиз гапларнинг таркибини кўриб чиқамиз:

1) Таркибида бир сўз мавжуд тўлиқсиз гаплар:

- *Жульеттангизнинг аҳволи қалай?*
- *Кимни айтяпсиз?*
- *Амални. (С. Жамол)*

ёки

*Холдорова: Энди жанг менсиз бўлади.*

*Карлов: Сабаб?*

Бу икки мисолдан биринчисида иккита сўроқ гап ва жавоб Амални тўлиқсиз гап бир сўздан ташкил топган. Иккинчи мисолда содда дарак гап жавоби Сабаб? тўлиқсиз гапдир.

2) Таркибида икки сўз мавжуд тўлиқсиз гаплар:

*Ҳайдар: Нима мақсадда?*

*Қўчқор: ўрнимни эгалламоқчи. (Уйғун)*

ёки

*Қўчқор: бунақа хунаринг ҳам бормиди?*

*Ҳайдар: Қанақа хунар?*

*Қўчқор: Аёлларни йиғлатадиган. (Уйғун)*

Жавоб тарзида келаётган тўлиқсиз гаплар (Ўрнимни эгалламоқчи. Аёлларни йиғлатадиган) битта содда гапни ташкил қилмоқда. Баъзи бир ўринларда иккита сўз алоҳида-алоҳида қўлланилиб, иккита тўлиқсиз гап вазифасида келади:

*Турсунов: Шипиргиларинг бордир?*

*Меҳрихон: Шипирги? Бор. (С. Азимов)*

Мисолнинг иккинчи қисми бир сўроқ ва бир дарак тўлиқсиз гаплардан иборат.

3) Таркибида уч сўз мавжуд тўлиқсиз гаплар:

*Ақиқа: Бургут ҳам нафсидан илинар эмиш...*

*Аслзода Саидхон: Ҳисор қўзичоғи оғзидан. (С. Азимов)*

*-Вино ичасизми?*

*Феруза совуққина жавоб берди:*

*-Умримда ичган эмасман. (Шарқ юлдузи).*

Бу икки мисолдаги тўлиқсиз гаплар жавоб тарикасида қўлланиб, уч сўздан иборат.

4) Таркибида тўрт сўз мавжуд тўлиқсиз гаплар:

*Камол: Дўст бўлгани учунми?*

*Ҳайдар: Қорасочнинг эри бўлгани учун. (Уйғун)*

Савол тарикасидаги гап уч сўз бўлиб, сўроқ содда гап ва унга жавоб тўрт сўздан иборат ва бир неча бирликлари тушиб қолганини биринчи гапдан билиш мумкин.

*Арслон: Дод қаердан чиқяпти? (Тинглаб) заводни босишганга ўхшайди.*

*Нурмат: Заводдан эмас, бошқа жойдан. (К. Яшин)*

5) Таркибида бешта сўз мавжуд тўлиқсиз гаплар:

- *Ишдан гапир, Луқмонга, шароити қанақа?*

- *Нима, мен бориб кепманми, жўро? (А. Мухтор)*

- *Болалар, ҳалфана қиламиз?*

- *Қаерда?*

- *Ризқи ҳалфанинг кўчиб кетган ҳовлисида. (Ф. Фулом)*

Бу жавоб бўлиб келаётган беш сўздан иборат тўлиқсиз гаплар олмош+фееъллардан → о + ол + ф иборат.

6) Таркибида олти-етти ва ундан кўпроқ сўзлар мавжуд бўлиши мумкин бўлган тўлиқсиз гаплар. Бундай ҳолат аксарият ҳолда диалогик эмас, балки монологик нутқда қўлланилади. Мисолларга мурожаат қиламиз:

1. *Услуб нима? Маҳоратми ё шоирнинг етуклигимми? Ё авторнинг етуклигидан пайдо бўлган адресими? (Шарқ юлдузи)*

Бу монологик парчада биргина савол иккита сўздан иборат ва у йиғиқ гапдир. Ва жавоб иккита гап орқали ўқувчига етказилмоқда, булар саккизта сўздан иборат. Жавоб гаплар алоҳида риторик содда гаплар шаклида ва кетма-кет қўлланган ва шу иккита жавобдан бирини танлаш таклиф этилмоқда. [11]

2. *Тога унга шунча кўп иш топширган эдики, бошига тушган ташвишини ҳам унутаязди. Унинг фикри-зикри Найман чўлида бўлиб қолди. Ишни нимадан бошлаш керак? Олдин тўқайга ўт қўйишданми, зовур қазииданми? (С.Аҳмад)* Кўриниб турибдики, бу мисолнинг жавобида ҳам қахрамоннинг фикри, нияти олти сўздан ташкил топган бир тўлиқсиз гапдан иборат. Бундай имкониятни кўпроқ монологик нутқ яратиб беради. Бу мисолларда ёзувчи қуйидаги схемага ўз нияти масадини жамлаган:

*Ишни нимадан бошлаш керак?* – Бир составли, эгаси қўлланмаган содда гапдир. Жавоблар ҳам шунга мувофиқлаштирилган.

Топширилган ишни нимадан, қандай қилиб бошлаш ҳамда ижобий натижа олиш вазифаси кўйилган. Ва икки жавобда ечими ҳам бор:

*Олдин тўқайга ўт қўйиш, зовур қазии...*

Бу жавобнинг ўзидан муаллиф ўқувчининг кўз олдига тасвирламоқчи бўлган манзарани олиб келади. Ва бу билан энг зарур ишлар шулар эканлигини, булардан сўнг бошқаларини бажариш лозимлиги ифодалайди. Энди бу ишни қандай, ким билан, қачон бажариш қахрамонга ҳавола қилинади. Бу ҳам, албатта, ёзувчининг маҳорати ва она тилимиз бойлигидир.

Тўлиқсиз гапларнинг қўшма гап ва унинг турлари таркибида қўлланиши ўзбек олимлари томонидан қисқа тарзда кўрилган. Таҳлиллар кўрсатадики, улар бу гапларда қўлланиши диалогик ёки монологик матнлардаги турларидан айтайлик фарқланмайди. Шунинг назарда тутиб, уларни алоҳида ўрганиш такрорни келтириши мумкинлиги қайд этилиши лозим. Умуман, ўзбек тилидаги каби бошқа тилларда ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва уларни турли тизимли тилларда қиёсий ўрганилса, келгусида илмий тадқиқотлар учун бу манба бўлиб хизмат қилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й. ва б. *Ўзбек тили дарслиги. II қисм. Синтаксис.* – Т.: “Ўрта ва олий мактаб” давлат нашриёти, 1962.
2. *Ҳозирги замон ўзбек тилишунослиги. Синтаксис.* – Т., 1961.
3. *Ўзбек тили грамматикаси. II том.* – Т., 1976
4. Киссен И.А. *Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков (фонетика, морфология, синтаксис, лексика).* – Ташкент, 1938.
5. Қурбонова М. *Ҳозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар.* – Т.: Университет нашриёти, 2001
6. Қурбонова М. ва б. *Ўзбек тилининг структурал синтаксиси.* – Т.: Университет, 2014
7. Сайфуллаева Р. ва б. *Ҳозирги ўзбек адабий тили.* –Т., Мумтоз сўз. 2010
8. Бобоева А. *Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар.* – Т., 1978.
9. Бобоева А. *Тўлиқсиз гапнинг тўлиқлиги//Ўзбек тили ва адабиёти, 1967,44-46-б.*
10. Лутфуллаева Д.Э., Шадманов Э. *Слова-предложения в современном узбекском языке.* – Т., 1970.
11. Сафаев А. *Главные члены простого предложения в современном узбекском языке.* – Т., 1958.

УДК: 811.512

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ДАСТЛАБКИ ИККИ ТИЛЛИ ВА МЕЪЁРИЙ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

### ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ПЕРВЫХ ДВУЯЗЫЧНЫХ И НОРМАТИВНЫХ УЧЕБНЫХ СЛОВАРЕЙ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

#### HISTORY OF CREATING FIRST BILINGUAL AND REGULATORY EDUCATIONAL DICTIONARIES IN UZBEK LANGUAGE

**Баҳриддинова Башорат Маъдиевна**

ҚарДУ ўзбек тилишунослиги каф. мудири, ф.ф.н.

**Аннотация.** Мақолада ўзбек ўқув лугатчилигининг шўро даври тараққиёти хусусида сўз боради. Бу даврда яратилган ўқув лугатлари, асосан, миллий мактабларда рус тилини ўргатиш учун хизмат қилган. Чор Россияси буюртмаси асосида яратилган дастлабки ўқув лугатлари зиммасига нафақат тил ўрганиши, балки миллатни, унинг маданиятини ўрганиши, XX аср ўрталарида яратилган лугатлар олдидан оммавий саводхонликни таъминлаш, тил ўргатишидан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифалар юкланган эди.

**Таянч сўзлар:** лугат, ўқув лугати, русча-ўзбекча лугат, ўзбекча-русча лугат, русча-сартча лугат, ўқув лугатчилиги, мактаб лугати, икки тилли лугат.

**Аннотация.** В статье идет речь о развитии советской эпохи узбекской учебной лексикографии. Слоги, созданные в этот период, служили в основном для преподавания русского языка в национальных школах. Оригинальные учебные словари, созданные по приказу царской России, были наделены чисто общественно-политическими задачами не только для изучения языка, но и для изучения нации, ее культуры, обеспечения массовой грамотности и языкового обучения в середине XX века.